

ЯНГИ ЗАМОН АДАБИЁТИ ВА ИЖТИМОЙ ВОҚЕЛИК

Гуландом Жуммаевна Тоғаева

Чирчиқ давлат педагогика университети доценти, филология фанлари номзоди

АННОТАЦИЯ

Мақолада жадид адабиёти вакилларининг ўз давридаги ижтимоий-сиёсий бухронларга муносабати, янги замон адабиёти шаклланиши қийинчиликлари, жадидларнинг ўз олдига қўйган улкан вазифаларни чин дилдан ҳис этиши ва элни маърифат, кенг дунёвий илмга чақириши, истибдодга қарши маърифат билан курашиш зарурлигини англаб, ўз асарларида интеллектуал руҳни намоён этиши илмий жиҳатдан асослаб берилди.

Калит сўзлар: миллат, маънавий-интеллектуал қиёфа, илм олиш, ўз тилининг луғат бойлиги, адабий-эстетик ҳодисалар, матбуот, ижтимоий воқелик, жадидчилик ҳаракати, комил инсон.

КИРИШ

Адабиёт ҳамма замонларда инсоният тафаккурининг маҳсули, жамиятдаги мавжуд ахлоқий тарбиянинг меҳвари сифатида камол топади. Шу билан бирга у ўша давр воқелигининг маълум маънодаги бадиий ифодаси ҳамдир. Айни шу маънода XX аср бошларида янги ўзбек адабиёти шаклланишининг ўз ижтимоий-сиёсий ва адабий сабаблари бор. Албатта масаланинг бу жиҳатлари Б.Қосимов, Ш.Юсупов, У.Долимов, С.Аҳмедов, Н.Абдуазизова, Н.Каримов, Д.Алимова, Н.Жабборов, Р.Тожибоев, Ҳ.Болтабоев, Б.Дўстқораев, Ш.Ризаев, Р.Холматов, Р.Тожибоев каби олимлар томонидан ўрганилган.[1]

Маълумки, чор Россияси томонидан Туркистон худудининг босиб олиниши аҳоли мустамлакачилик зулми остида эзилишига сабаб бўлди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Император Николай II 1905 йил 17 октябрда Манифест эълон қилди. Унга кўра, Россияда сўз эркинлиги таъминланиши маълум қилинган эди. Албатта бу ҳодиса барча ўлкалар қатори Туркистонда матбуот ва китобат ишлари анча жонланиб кетишига сабаб бўлди. Натижада китоб ва газета чоп этувчи ишбилармонлар сони кўпайди.

Тошкентда Ильин, Яковлев, Орифжонов, Наманганда Ибрат, Самарқандда Слиянов, Газаров, Қўқонда Шумаков,



Вайнерларга қарашли матбаахоналарда босма ишлари ривожланди. Шунинг баробарида газетачилик иши ҳам авж олиб юқори ўринга чиқди. 1906-1913 йилларида юртимизда “Турон”, “Тараққий”, “Хуршид”, “Шухрат”, “Тужжор”, “Осиё”, “Самарқанд” каби газеталар чоп қилинди. Зеро, матбуот-катта фикр майдони, у ўзаро фикр алмашиш, дунё, фан, адабиёт, санъат борасидаги эришилган билимларни жамлаш жамиятни ислоҳ этувчи ғояларни кенг намоён этишга имкон берувчи кўзгудир. Бу кўзгу қанчалар равшан, ёруғ бўлса, фикр ва ақл ҳам шунча пешланади. Ғоя ғояга сабаб бўлади, уни ривожлантиради, ақл ақлни топади. Яъни матбуотнинг ижтимоий институтлик вазифаси бу ерда кенг аҳамият касб этади.

Айни ана шу долғали кезларда янги адабиёт, янги адабий йўналиш ва турфа жанрлар эҳтиёжи пишиб етилди. Демакки, Шарқ ва Ғарб маданиятининг ўзига хослиги, янгиланиш эҳтиёжи, ўзаро уйғунлашув заруратини тақозо қилди. Бу зарурат чўғланиб маънавий зиёга айланди.

Жадидчилик ҳаракати ўлкамиздаги зиёли қатламларнинг -рухий тараққиёти самараси эди. Бу фан, адабиёт ва санъатда ўзига хос акс-садо берди.

Таниқли олим Б.Қосимовнинг айтишича, “жадидчилик ғоялари эрта баҳорнинг шиддатли шамоллари сингари пўпанак босиб, билжираб кетган ўрта асрчилик турмушининг энг пастки қатламларигача очиб ташлади... Хусусан, жадидларимиз миллатнинг яшамоғи, тараққий топмоғи учун биринчи навбатда, озод, мустақил бўлмоғи лозимлигини англаб етдилар ва кенг халқни уйғотишга алоҳида эътибор бердилар.”[2.] Туркистон зиёлиларининг маънавий дунёсида пайдо бўлган янгиланишларнинг моҳияти золимларга қарши онгли фикрлаш, кенг интеллектуал билимлар асосида жамиятни ислоҳ қилиш ғоясига асосланган эди.

Жадид атамасининг вужудга келиши ҳақида олим Б.Қосимов шундай уқтиради: “Туркия турклариде илк марта Султон III Салим ҳукмронлиги (1789-1802) даврида пайдо бўлди. Австрияга элчи қилиб юборилган Абубакр Ратиб афанди шоҳга ёзган билдирувларида у ерда кўрган идора тизимини “низоми жадид” деб тушунтиради. Шу йиллари “низоми жадид” тор маънода аскарий тизимни овруполаштиришни, кенг маънода, илм-фан, маориф, саноат ва қишлоқ хўжалигини замонавийлаштиришни кўзда тутарди. Жадид ва қадим ибораси кейинги асрларда майдонга келган бўлса-да, у моҳиятан эскилик ва янгилик, тараққиёт ва турғунлик ўртасидаги эски курашдир”. [3.]

И.Гаспринский, М.Абдурашидхонов, А.Фитрат, М.Бехбудий, А.Авлоний, Чўлпон, Ҳамза, Сиддиқий-Ажзий, М.Шермухаммедов каби ўнлаб прогрессив тафаккур эгалари



учун муштарак мақсад-юрт ободлиги, хурлиги, маърифатли инсонлар жамиятни барпо қилиш ғояси эди.

М.Бехбудий “Самарқанд” газетасининг 1913 йил 42-сонида “Фан раҳбарларига, олимларга” номли мақоласида шундай дейди: “Биз мусулмонлар фан ва фалсафанинг ривожланишида сўнги беш юз йил давомида жуда ҳам орқада қолиб кетдик. Ана шу вақт ичида бошқа мамлакатларда қандай ўзгаришлар бўлиб ўтганлигига бир назар ташлангиз, бу мамлакатлар халқларининг дунёқарашлари ўзгарганини кўрасиз. Материализмга, атеистларга, социал-демократларга (иштирокиюнчиларга) қарши муваффақиятли курашмоқ мақсадида фан ва фалсафанинг янги ютуқлари билан қуроллансак ёмон бўлмас эди”. Жон куйдириб айтилган бу сўзлардаги маъно ва мақсад тубида озодлик ғояси яширинганини пайқаш қийин эмас.

Мамлакатни хур ва озод кўриш орзуси янги ўзбек адабиётига тамал тошлари қўйди. У ҳам жанр ҳам услуб ва мавзу жиҳатдан янги йўналишларга эга бўлди. Бу йўналишларда аждодларимиз бадиий мероси ва ривожланган мамлакатлар адабиёти эришган ютуқларининг синтези акс этган эди. Бунда лирик турлар, наср билан бирга драматик асарлар ривожини ҳам кузатиладики, бу маълум маънода жамиятда катта маънавий ҳодиса эди. Биргина шеърятда бармоқ вазнидаги ижоднинг кучайиши ҳам янги-янги ижодий йўлларнинг кашф этилишига сабаб бўлди. А.Фитрат, Чўлпон, А.Авлоний, Ҳамза каби ижодкорлар нафаси билан адабиёт гулшанида янги ва ўзига хос чаманзорлар яратилди. Бунда анъанавийлик ва замонавийликнинг ўзаро таъсири кучли бўлди.[4.]

Энг аввало, шунини айтиш лозимки, жаҳид зиёлилари ижтимоий ҳаётда ҳам адабиётда ҳам Русия Оврупо маданиятига кўр-кўрона эргашиш, ундаги барча янгиликдек туюлган анъана ва одатларни шаклан қабул этиб, тақлид қилиш йўлидан бориш оқибатларини яхши англаш эдилар.

Бу ҳақда “Таржимон” газетасининг 1907 йил 10 март сонида И.Гаспринский шундай дейди: “Петру замониндан юз саная қадар рус зиёлилари овруполиларга кулгили даражада тақлид этардилар...Шунча орқада бўлишларига қарамай, эркин фикрда Руссолик, Вольтерлик санарлар, асирликни хушҳол кўрмоқ ила баробар маршрутдан, жумҳуриятдан дам урарлар эди. Тақлидда ифрод даражалара воруб, русча сўзлашмоқни айб ва нодонлик ўйлаб, французча ярим-ёрти сўзлашишни вожиб билурлар эди. Лекин сўнг рус адабиёти илгарилаб кетгач, тақлидчилик озайди.”...

Шу маънода фан, санъат, адабиётда ҳам ҳар бир кириб келган янгиликнинг яхши томонларини олиб, ёмон



томонларидан воз кечишлик фазилатлари жаид зиёлилари учун устивор вазифаларга айланди.

Шу билан бирга жаид адабиёти вакиллари ўлкада янги технологияларга асосланган, дунёвий ва диний илмлар кадрланадиган таълим-тарбия усулларини ўзида жо этган мактаблар очишни ҳам йўлга қўйдилар. Зеро, “Садойи Туркистон” газетаси бир ўринда “Жаиднинг маъноси динга ривож бермоқ ва миллати исломни тараққий қилдирмоқ усулидир” деб ёзган эди.(1914,12-сон)

Биргина янги шаклланиб келаётган ўзбек адабиётида янги жанрлар кириб келишида, ижтимоий воқелиқдаги миллатни қийнаб келаётган муаммо ва ҳодисаларни адабий оламга, бадий образлар силсиласига киритиш борасида жаид ижодкорларининг ўрни катта бўлди.[5.]

Энди пайдо бўлган янги адабиёт мавзу қўламлари жиҳатидан бутунлай ўзига хос ва ҳаётий эди, у халқ руҳига яқин ва унинг дардини ифода қилиш воситаларини бадий асарлар руҳига сингдириб юбора олган эди.[6.] Масалан, вақтли матбуотнинг фаоллашуви, унда пайдо бўлган миллий ўзликни англаш туйғусининг кучлилиги, драматургиянинг шаклланиши, шеърятда бармоқ вазнининг устивор ҳодисага айланиши, янги тимсол ва кенг билимли қаҳрамонларнинг бадиияти-булар ҳаммаси янги ўзбек адабиёти юксак паллага кираётганидан далолат эди. Фитрат “Бармоқ вазнидаги биринчи шеърни мен ёздимми, Чўлпон ёздими-эслолмайман, аммо бармоқни назарий жиҳатдан ёқлаб чиққанлардан мен эдим”, дейди.[5.]

Олим Б.Қосимов таъкидича, бу борада А.Авлонийнинг ҳам ҳиссаси беқиёс бўлган.

Маълумки, минг йиллик классик шеърятимиз аруз вазнида ёзилган. Лекин халқ оғзаки ижоди ҳосилалари бўлмиш асарлар –бармоқ вазнида яратилган. Мураккаб, бухронли даврнинг гоҳ шиддаткор, гоҳ бўғиқ, гоҳ тугёнли нафасини акс эттиришда, уни оммага етказишда бармоқ вазнининг ихчамлиги, вазн талабларининг халқ кўнглига яқинлиги кўл келди. Биргина А.Авлонийнинг бармоқдаги илк шеърлари халқ кўшиқларига мослаб ёзилди:

Отма мани тошлар билан, ёр-ёр, ёр-ўв,

Учуб кетай қушлар билан, ёр-ёр, ёр-ўв...

Янги вазн кириб келиши билан адабиётда бутунлай ўзгача бадий тимсол ва характер, бадий ифода йўсинлари ҳамда сўзни талқин этишдаги маҳорат пиллапоялари ҳам кенгайиб кетди.

А. Авлонийнинг “Ер тарихи” номли беш бўғиндан иборат шеърига эътибор беринг:

Эй, Ернинг шари,
Сен аллақанча
Минг йил илгари,
Сон-саноксиз
Асрлар бурун
Қуёшдан чакнаб
Чикқан ўт парча.

Бу ўзига хос программ шеър бўлиб, Ер шари тарихинг асрий силсилалари акс этган. Уни тасвирлаш орқали шоир инсон қалбига назар ташлайди Ер шари бадий образ даражасига кўтарилади. Шу Ер шарида юз бераётган қонли тўқнашувлар, халқлар ва миллатлар ўртасидаги муаммолар калитини излаш туйғуси поэтик қахрамоннинг дунёсини бетинч этаётир. Барибир инсон боласи қанча гуноҳ қилмасин, Ер шари мисоли онадек унга доимо шафқат этади. Бу образ тимсолида ижтимоий масалаларга ҳам жавоб қидиради шоир.

Ёки “Очлар ҳолидан “ шеърида:

Боғда булбул сайрама,
Гул ишқида йиғлама,
Бежо бағринг доғлама,
Сайра булбул, йиғлаб-йиғлаб очлар ҳолина”-

каби сатрларни ишлатиш асносида давр воқеаларига муносабат билдиради, ўз даври ижтимоий воқелигига лоқайд қарай олмайди.[7.]

ХУЛОСА

Алалхусус, А.Авлоний, А.Фитрат, Ҳамза, Чўлпон каби адабиёт фидойиларининг меҳнатлари эвазига янги ўзбек адабиётида вазн янгиланиши, поэтик жанрларнинг янгиланиши, насрнинг пайдо бўлиши, таржима адабиёти кенг миқёсда ривожланиши, ўрганиб қолинган Гул, Булбул, бевафо ёр каби образларнинг фаоллашуви ва ўзгача маъно юкини кўтариши, шеъриятда ижтимоий ҳодисалар ўз бадий қиёфасини топиши, поэтик образлар хилма-хиллиги, хатто шеърларнинг сарлавҳаланиши, публицистик адабиёт камолга етиши теран заминга эга бўлган тафаккур тарақиётининг маҳсули бўлди.

REFERENCES

1. Каримов Н. Ўзбекистонда катта қирғин бошланиши. // “Ўзбекистонда совет давлатининг қатағон сиёсати: келиб чиқиши сабаблари ва фожиали оқибатлари” илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2012, 27-41-бетлар.
2. Қосимов Б.Миллий уйғониш.-Т.: Маънавият, 2002. Б-9.
3. Қосимов Б.Маслакдошлар.-Тошкент.:Шарқ,1994 йил.
4. Тоғаева, Г. Ж. (2023). ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ ИЖОДИДА МИЛЛАТНИНГ ЛИРИК СИЙМОСИНИ ЁРИТИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ. *Academic research in educational sciences*, 4(CSPU Conference 1), 543-547.
5. Jummayevna, T. G. (2023). The Charm of Words in the Creation of Mirzo Kenjabek. *Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences*, 16, 84-87.
6. Jummayevna, T. G. (2022). LYRICAL IMAGE OF THE PEOPLE IN THE WORKS OF KHAMZA HAKIMZODA. *Confrencea*, 7(7), 242-245.
7. Тоғаева, Г. (2023). *Тасаввуфга оид адабий-фалсафий қарашларнинг матбуотда акс эттирилиши*. <https://uza.uz/uz/posts/tasavvufga-oid-adabiy-falsafiy-qarashlarning-matbuotda-aks-ettirilishi> 476328
8. Jummayevna, T. G. (2022). LYRICAL IMAGE OF THE PEOPLE IN THE WORKS OF KHAMZA HAKIMZODA. *Confrencea*, 7(7), 242-245.

